

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Б.Холматова</b>	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	167
<b>А.Шарафиддинов</b>	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
<b>Д.Алиязарова</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар.....	173
<b>Ш.Мамадалиев</b>	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
<b>М.Мўминова, И.Якубов</b>	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....	178
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи.....	180
<b>Н.Аббасова</b>	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
<b>Ш.Юсупова</b>	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....	187
<b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
<b>М.Ғофурова</b>	
Инглиз тилида қўлланиладиган варвариизмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....	193
<b>М.Исломова</b>	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
<b>С.Исроилова</b>	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
<b>М.Мадазимова</b>	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
<b>М.Ҳожиева</b>	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
<b>М.Ходжаева</b>	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
<b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
<b>Н.Ўринова, З.Жакбарова</b>	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари .....	214
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
<b>Ф.Мирзараҳимова</b>	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
<b>М.Қурбонова</b>	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
<b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....	227
<b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....	231

УДК: 370

**НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЧЕТ ТИЛДА  
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ**

**СОДЕРЖАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ИНОЯЗЫЧНОЙ КОММУНИКАТИВНОЙ  
КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ НЕФИЛОЛОГИЧЕСКИХ ВУЗОВ**

**THE CONTENT OF DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF ESP  
LEARNERS'**

**Д.Ҳайдарова**

**Аннотация**

Мақолада нофилологик олий ўқув юртларида талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг мақсад ва мазмуни таҳлил қилинди. Шу билан бирга чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалаларини тадқиқ этган психолингвист олимларнинг таҳлили ҳақида ҳам сўз боради. Нофилологик олий ўқув юртларида чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

**Аннотация**

В статье широко рассматривается цель и содержание формирования иноязычной коммуникативной компетенции в процессе обучения иностранному языку в нефилологических вузах. В статье также обсуждаются исследования психолингвистов по формированию иноязычной коммуникативной компетенции. Представлены выводы и рекомендации по формированию иноязычной коммуникативной компетенции у студентов неязыковых вузов.

**Annotation**

In the article the aim and the content of developing communicative competence of ESP learners has been studied. The research findings of psycholinguists on developing communicative competence in foreign languages were discussed along with the current literature. The implications and suggestions on developing communicative competence of ESP learners were provided for a better foreign language teaching practice.

**Таянч сўз ва иборалар:** коммуникатив компетенция, чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш мазмуни, шахс фаолиятига йўналтирилган ёндашув.

**Ключевые слова и выражения:** коммуникативная компетенция, содержание формирования иноязычной коммуникативной компетенции, личностно-деятельностный подход.

**Keywords and expressions:** communicative competence, the content of developing communicative competence in foreign languages, activity conception.

Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тили ўргатиш жараёнида коммуникатив компетенцияни шакллантириш мазмуни профессионал соҳада мулоқот қилиш учун етарли даражага олиб чиқиш эҳтиёжи орқали, бошқача қилиб айтганда, ўрганилаётган тилнинг коммуникативлик мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос аниқ методологияни ишлаб чиқиш орқали аниқланади.

Коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг мақсад ва мазмунини таҳлил қилишда, тадқиқ этилаётган тушунчанинг асосий компонентларини аниқлаб олиш зарур. Асосий компонентлар мақсадли-мотивлаштириш, мазмунан – ахборот-процессуал (жараён) ва критериал-натижага эришишдан ташкил топган.

Коммуникатив компетенцияни

шакллантиришни унинг асосий компонентлари билан амалга оширилиши, ўқитувчига таълим жараёнини маданий ҳодисаларга асосланиб тузиш, бўлажак мутахассисларнинг мулоқот маданияти ва касбий компетенциясини ривожлантириш ва шахс фаолиятига ёндашиш принципларидан фойдаланишга имкон беради.

Бизга маълумки, А.А.Леонтьев, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейнлар психолингвистика соҳасида чет тилида мулоқотни ўргатиш масалаларини чуқур тадқиқ этганлар [2,304; 3,214; 5,431].

Психолингвистлар томонидан чет тилида оғзаки нутқни шакллантириш муаммоларининг таҳлил қилиниши методистларга чет тилларни ўргатишнинг илмий асосланган системасини “тизим ва таркибга асосланган ёндашув”ни амалга ошириш имконини берди. Лингводидактиканинг тез

Д.Ҳайдарова – ФарДУ гуманитар фанлар бўйича чет тиллар кафедраси.

суръатларда ривожланиши натижасида чет тилларни ўргатишда коммуникатив ёндашув юзага чиқди ва бу соҳада ҳам кўплаб материаллар тақдим этилди [1,188].

Чет тилларни ўргатишнинг назарияси ва амалиёти “чет тил ўргатиш”, “оғзаки нутқни ўргатиш”, сўнгра “мулоқотни ўргатиш” каби босқичларни босиб ўтди.

М.Л.Вайсбург, Е.С.Полат, В.С.Цетлиннинг илмий мақолаларида чет тилларни ўргатишни янада такомиллаштириш муаммолари амалий машғулотларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари орқали ҳал этилиши кўрсатилган. Бу илмий изланишлар бўлажак мутахассисларнинг чет тилида касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришни режалаштиришга имкон беради.

Е.И.Пассов чет тилини ўргатиш орқали эришиш мумкин бўлган аниқ мақсадлар машғулотлар режасида ўз аксини топмаганлиги туфайли чет тилини ўргатиш мақсадини тубдан ўзгартириш ва мақсадларни компонентли тарзда беришни, асосий ўринда эса тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ўргатиш таклифини берди [4,233]. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ўргатиш деганда, тадқиқотчи ўқувчиларга чет тилини ўрганишнинг барча аспектларига ёрдам берадиган зарур манбаларни назарда тутди.

А.А.Леонтьев ва бошқа олимлар чет тилини ўргатиш мақсади ва реал эҳтиёжлар ўртасида қарама-қаршиликлар вужудга келганлигини аниқладилар. Чет тилини ўргатишнинг коммуникатив мақсадларини интегратив, яъни барча аспектлар мулоқотга ўргатишга йўналтирилган бўлиши керак, деган фикрни илгари сурдилар.

Шу билан бирга ихчам ва режали таълим жараёнини ташкил этишга интилиш, энг асосийси, ўрганувчиларга интеграллашган - профессионал ёки мазмунга асосланган ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари ҳам кўтарилди. А.А.Леонтьев коммуникативлик-когнитивлик комплексида шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллашни тавсия қилади [3,214].

Сўнги йиллар давомида тўпланган таҳлиллар қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилганлигини аниқлашга имкон берди:

- тил материалдан - гапириш маҳсулотига ва коммуникативлик

қобилиятини шакллантиришга ўтиш;

- бир мақсаддан турли мақсадларга ўтиш (таълимий мақсадларни дифференциациялаш);

- мақсадларни алоҳида тарзда кўришдан уларни бир концепцияда таҳлил қилишга ўтиш;

- турли аспектлар мақсадларининг автономлигидан бир яхлитликка ўтиш;

- сиёсий мақсадлардан – комил инсон шахсини тарбиялаш мақсадларига ўтиш;

- чет тили предметини бошқа фанлар билан боғламасдан алоҳида кўришдан бир курс доирасига интеграция қилиш;

- бир хил ёндашув доминантлигидан воз кечиб, турли ёндашувларни қўллашга ўтиш [1,188].

Шахс фаолиятига йўналтирилган ёндашув асосларини психология фанига А.Н.Леонтьев ва С.Л.Рубинштейн ишлари олиб кирган. Бу тадқиқотларда шахснинг фаолият объекти сифатида бошқа одамлар билан мулоқотда шаклланиши, шу билан бирга шахснинг фаолият ва мулоқот хусусиятини белгилаб берувчи объект сифатида кўрилиши ёритилган [2,304; 5,431].

Шахс фаолиятига йўналтирилган ёндашув маълум шахснинг эҳтиёжларини, ижтимоий мақомини, ёшини, яъни унинг муайян шароитларда муайян топшириқларни бажаришга йўналтирилишини назарда тутди.

Бундай ёндашувнинг таълимда қўлланилиши методикага оид барча қарорлар ўрганувчи шахси призмаси орқали унинг эҳтиёжлари, мотивлари, қобилияти, фаолияти, ақлий ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятларида ўзгаришга учрайди, деган маънони англатади. Бироқ шахсий аспект ўқув жараёнини ўрганишнинг ягона жиҳати эмас. Иккинчи аспект сифатида фаолиятга ёндашиш майдонга чиқади.

А.Н.Леонтьев тадқиқотларида фаолиятга ёндашиш назарияси ва ёндашуви ҳақида батафсил ёзилган. Бу назариянинг асосий қоидаларига кўра, фаолият муайян мавзу ва мотивацияга йўналтирилади ҳамда предмет, хусусиятлар, усуллар, продуктивлик ва фаолият (бажарилган машқлар) натижаларини ўз ичига олган фаолиятлар ва операциялар мавзулар мазмунини тузади ва унинг макро таркибини ташкил этади [2].

Чет тилини ўқитишда фаолиятга ёндашиш мулоқотга ўргатишни фаолият сифатида кўради (мулоқотни нутқий фаолиятнинг ҳар хил вазиятларида ўрганишни ўз ичига олади).

Чет тилини ўқитишда шахс фаолиятига йўналтирилган ёндашув – бу, касбий тайёргарликдан ўтган, маънавий етук, ижтимоий фаол шахснинг ички захираларини фаоллаштириш орқали шакллантиришда асосий вазифани ўташни билдиради.

Шу билан бирга, ушбу ёндашувнинг “шахсийлик” компоненти барча таълим ўрганувчининг тўплаган тажрибасига, унинг шахсий хусусиятлари ва фазилатларига асосланиши кераклигини англатади. Таълим талабанинг шахси, мотивлари, қадриятлари, мақсадлари, қизиқишлари, истиқболлари, ҳаётий режалари орқали “бўлакланади”. Шахс фаолиятига йўналтирилган ёндашув тингловчиларнинг шахсини аниқлашга ёрдам беради. Психодиагностика шахсни яхлит тушунишга асосланган.

Бўлғуси мутахассисларда ўз профессионал тақдирларини ўзлари белгилай олишини шакллантирувчи хусусиятлар ва сифатларга урғу берган ҳолда, мутахассис тайёрлаш режасида шахсни яхлит ўрганишни ҳам эътиборга олиши керак.

Касбга хос хусусиятлар деганда, инсоннинг ўзига хос психологик фазилатлари назарда тутилиб, аниқ касбий фаолиятни муваффақиятли ўрганиш ёки амалга оширишда намоён бўлади.

Бўлғуси мутахассиснинг коммуникатив компетенциясини чет тилини ўрганиш жараёнида шаклландирган хусусият сифатида кўриш ва бу муаммо билан боғлиқ назарий тадқиқотларни таҳлил қилиш, шахснинг бу хусусиятлари унинг муайян

фаолиятида намоён бўлиши бўйича баҳоланиши керак, дея тахмин қилинди.

Коммуникативлик фаолиятида фикр баён қилиш, хушмуомалалик, мантиқан исботлай олиш каби хусусиятларга баҳо берилади. Коммуникативлик хусусиятлари эса шахснинг чин юракдан кўплаб одамлар билан дўстона муносабатларга киришишида, самимий фикр алмашишга, режалаштирган ишларини бирга баҳам кўришга эҳтиёж сезганда, шахснинг хусусияти сифатида намоён бўлади. Бу хусусиятлар бошқа одамлар билан муваффақиятли мулоқот ўрнатиш ва биргаликдаги фаолиятда психологик мутаносибликни таъминлайди.

Нутқий фаолият касбий фаолиятнинг функционал воситаси бўлиб, унинг энг муҳим хусусиятлари мантикий исботлай олиш, нутқ маданияти ва мазмуни, хилма-хиллиги, ишлатиладиган ибораларнинг образлилиги ва таъсирчанлигидир.

Фаолият турлари ўқитишнинг лингвистик асослари бўйича таҳлил қилинганда, шахс фаолиятига ёндашув контексти доирасида нутқ фаолияти (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувни ўргатиш) таълим объекти бўлиши кераклигини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, нутқ фаолияти коммуникатив компетенция билан ўзаро боғлиқ, яъни профессионал-муҳим хусусиятларнинг умумий таркибидан жой олган субъект билан боғлиқ бўлади. Чет тилини эгаллаш – бу, жумлаларни тўғри тузишдан иборат бўлибгина қолмай, балки уларни коммуникатив мақсадларда қўллай олиш ҳамдир. Ўқитишнинг лингвистик асосларини аниқлаб олиш, унинг табиати ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

#### Адабиётлар:

1. Brown D.H. Principles of Language Learning and Teaching, Fifth Edition. by Pearson Education, Inc. 2007 P.
2. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность/ А.Н.Леонтьев. – М.: Политиздат, 1975.
3. Леонтьев А.А. Язык, речь. Речевая деятельность / А.А. Леонтьев. – М.: Просвещение, 1969.
4. Пассов, Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению / Е.И. Пассов. – М.: Просвещение, 1991.
5. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии / С.Л. Рубинштейн. – М.: Педагогика, 1989.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)